

ГАП, МУРАККАБ СИНТАКТИК ҚУРИЛМА ВА АБЗАЦ ХУСУСИДА АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР

Хайруллаев Хуршиджон Зайниевич,

Филология фанлари доктори, профессор. СамДЧТИ Ўзбек тили, журналистика ва
компьютер лингвистикаси кафедраси мудири;

Ибрагимова Муқаддас Абдуллаевна,

СамДЧТИ Ўзбек тили, журналистика ва компьютер лингвистикаси кафедраси ўқитувчиси

Аннотация. гаплар, мураккаб синтактик қурилмалар ва абзацлар нутқ бирлиги сифатидаги ўрганилиши тилшуносликда муайян ўрин ва аҳамиятга эга. Бунга тилшуносликнинг XX асрдаги тараққиётида, айниқса, эътибор кучайди. Бу борада тилшунослик фани тараққиётининг турли даврларида турлича фикрлар, қарашлар шаклланган бўлиб, мазкур фикр мулоҳазалар фанимиз тарққийётининг бугуни ва эртанги тараққиёти учун ҳам жуда муҳим ҳисобланади. Бугунги кунда тил ва компьютер технологиялари узвийлиги масаласи долзарб бўлиб турганидан келиб чиқилса, масала моҳиятининг дастурий таъминот яратиш учун зарурат ҳисобланган лингвистик таъминот учун нутқ бирликлари қатъий белгилаш масаласи долзарб экани изоҳ талаб қилмайди. Мақолада нутқ ва унинг бирликлари иерархияси масаласига алоҳида эътибор қаратилган.

Калит сўзлар: гап, мураккаб синтактик қурилма, абзац, сегмент, тил бирлиги, нутқ бирлиги, функционал фаоллик, тил сатҳи, нутқ сатҳи.

Гапнинг лингвистик мақомини нутқдан айри ҳолда тасаввур этиш қийин. Гап нутқда шаклланади. Сўз бирикмасини эса, гарчи нутқда шаклланса ҳам, уни гап билан тенглаштириб бўлмайди. Биринчидан, у мудом ҳосила структурани тақозо этади. Иккинчидан, сўз бирикмаси компонентлари гап таркибида гапнинг ҳам компонентлари саналади. Бундай вазият сўз бирикмасини нутқ бирлиги деб ва шу билан бирга, уни нутқнинг алоҳида сатҳи сифатида ўрганиш учун муаммолар туғдириши шубҳасиздир.

Нутқнинг иккинчи бирлиги мураккаб синтактик қурилмадир. У бир неча гапни ўз таркибига бирлаштира олади ва улар билан поғонали муносабат ташкил этади. Бироқ мураккаб синтактик қурилма (шу жумладан, анъанавий қўшма гап ҳам) масаласи тадқиқи тилшунослигимизда кўп жиҳатдан ҳали изоҳталабдир. Нафақат *мураккаб синтактик қурилма* термини, балки *қўшма гап* термини билан аталувчи синтактик қурилма тушунчаси ҳам тилшуносларимиз томонидан турлича изоҳланмоқда. Баъзи тилшунослар қўшма гап тушунчасидан бутунлай воз кечиш лозимлигини таъкидлаган эдилар (Овсяннико-Куликовский, Сакулина, Карцевский ва бошқалар). Улар учун фақат (содда) гап тушунчаси мавжуд бўлган. Бироқ И.Ф.Вардулнинг фикрича, мураккаб тузилишли қурилмаларнинг барчасини ҳам содда гап тарзида талқин этиб бўлмайди. Бундан ташқари, И.Ф.Вардул назарида анъанага кўра боғланган қўшма гап деб аталиб келинаётган синтактик қурилмалар умуман гап мақомига эга бўла олмайди, эргаш гапли қўшма гаплар бундай мақомга эгадир. Лекин боғланган қўшма гап бўлмагач, эргаш гапли деб аталувчи қўшма гап тушунчасига ҳам эҳтиёж қолмайди.

И.Ф.Вардул юқоридагилардан ташқари, Л.С.Бархударов ва Г.В.Колшанскийлар ортидан боғланган қўшма гапларни жумлалар кетма-кет келадиган қурилма деб, эргаш гапли қўшма гапларни эса яхлит бир гап деб аташ мақсадга мувофиқлигини таъкидлайди [Вардуль И.Ф.: 221-224].

Мазкур муаммо бобида бошқача фикр ва мулоҳазалар ҳам мавжуд. Улар тўғрисида ишимизнинг учинчи бобида мукамал маълумот берилмоқда.

Нутқнинг мураккаб синтактик қурилмадан катта бирлиги абзацдир. Унинг мазкур мақоми биринчи навбатда интегратив хусусияти билан боғлиқ, зотан, бунда мустақил гаплар, парцеллятив ва иловали қурилмалар, мураккаб синтактик қурилма кабилар

қўлланади. Абзацнинг нутқ бирлиги эканлигини Л.Г.Фридман ҳам қайд этади ва қуйидагиларни ёзади: «Коммуникатив режага кўра гап асосий синтактик бирлик саналади. Бундан катта сатҳлар бирликлари мураккаб синтактик қурилма ва абзацдир. Агар гап ўзининг барча аспекти бўйича мукамал ўрганилган бўлса, мураккаб синтактик қурилма ва абзац ҳали мутлақо ўрганилгани йўқ» [Фридман Л.Г.:155-156].

Л.Г.Фридманнинг мазкур мулоҳазаси ўринли, албатта. Лекин у абзац компонентлари жумласига фақат мустақил гапларни киритади, мураккаб синтактик қурилма ва бошқа синтактик структуралар эса назардан четда қолади. Ваҳоланки, унинг юқорида келтирилган фикрида мураккаб синтактик қурилма нутқ бирлиги сифатида алоҳида таъкидланганини кўрамиз. Мураккаб синтактик қурилма нутқ бирлиги саналар экан, у нутқнинг гапдан кейинги алоҳида сатҳини ҳам ташкил этади ва абзац таркибида қўлланилгач, у билан поғонали муносабатга киришади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, абзац нутқнинг энг юқори даражадаги сатҳини тақозо этади ва ўз таркибига мустақил гаплар ҳамда мураккаб синтактик қурилмаларни киритгани боис, интегратив хусусият касб этади. Бу жуда муҳимдир, зотан, нутқ бирликларининг поғонали муносабати абзацнинг мазкур хусусияти билан узвий боғлиқдир. Бундан ташқари, абзацнинг тугал хабар ифодасини бериши ҳам унинг ана шу интегратив хусусияти билан ўлчанади.

Нутқ бирликлари жумласига гап, мураккаб синтактик қурилма ҳамда абзацни киритамиз ва улар асосида шу номлар билан аталувчи нутқ сатҳларини белгилаймиз. Айни пайтда *синтактик сатҳ* тушунчасига алоҳида урғу бермаяпмиз, зотан, гап, мураккаб синтактик қурилма ва абзац кабилар нутқнинг алоҳида сатҳларини ташкил этар экан, ана шунинг ўзи синтактик сатҳ демакдир. Бошқача айтганда, уларнинг ҳар бирида синтактик сатҳни кўрамиз.

Тилшунослик фани тараққиётининг бугунги даврига қадар тил сатҳларининг ҳар бири мукамал ўрганилди ва бу соҳада жаҳон тилшунослигида, шу жумладан, ўзбек тилшунослигида ҳам фундаментал тадқиқот ишлари вужудга келди. Бироқ бошқа фанлар билан бир қаторда тилшунослик ҳам ҳар доим тараққиётда эканлиги изоҳ талаб қилмайди. Бу эса, ўз навбатида, эришилган ютуқлар билан чегараланиб қолмасликни тақозо этади. Бундай бўлиши табиийдир, албатта. Чунки фан тараққиёти амалда мукамал деб ҳисобланиб келинаётган тадқиқотларимизни қайта кўриб чиқишни, уларни янги маълумотлар билан тўлдиришни талаб қилади. Ана шу нуқтаи назардан ёндашилганда, тил сатҳлари ва уларнинг ўзига хос лингвистик табиати масаласининг талқинига ҳам фанимизнинг сўнгги ютуқларидан фойдаланилган ҳолда ёндашишга тўғри келади.

Албатта, тил сатҳларининг ҳар бири ўзича нисбий мустақил эканлиги, шунинг учун ҳам улар алоҳида текширув объектлари саналиши тилшуносларимиз томонидан тўлиқ тан олинган ва бу борада бирор жиддий муаммо кузатилмайди. Лекин шу билан бирга, муайян сатҳнинг лингвистик табиати талқинини бермоқ учун бошқа сатҳларга ҳам мурожаат этиш лозимлиги, бизнингча, шу соҳада тадқиқот олиб бораётган тилшуносларгагина ҳаммадан кўпроқ аёндыр. Сир эмас, ўрта таълимда ҳам, олий таълимда ҳам тилнинг фонетик сатҳи нутқ товушлари мажмуаси билан характерланиши ва бундай товушлар фонетикада ўрганилиши, морфологик сатҳ эса сўз шакллари мажмуаси билан белгиланиши ва мазкур масала морфологияда ўрганилиши ҳақида маълумот берилади. Бироқ бу ўринда Фердинанд де Соссюрнинг ўта муҳим аҳамиятга эга бўлган қуйидаги фикрларига ҳам мурожаат этилганида мақсадга мувофиқроқ бўларди: «Морфология тил формаларини, фонетика эса тилдаги товушларни ўрганиши ҳақида сўз юритадилар. Бундай мулоҳаза нафақат назарий жиҳатдан, балки амалий нуқтаи назардан ҳам қониқарли эмас, зотан, биз аксарият ҳолларда морфологик ва фонетик масалаларнинг қайси бири билан шуғулланаётганимизни аниқлашга ҳам қийналиб қоламиз. ...Энг аввал шуни айтиш лозимки, фонетика, унинг асосий вазифаси товушларни ўрганиш эканлигидан қатъи назар, биринчи галда форма билан шуғулланмоғи лозим, форманинг иштирокисиз товушларни ўрганиб бўлмайди. Товушлар бир авлоддан иккинчисига изоляция қилинган ҳолда эмас,

балки сўзлар орқали берилади. Зотан, товушлар сўз сатҳида яшайди. Бу эса, иккинчи томондан, морфологиянинг ҳам фақат форма муаммоси билан эмас, балки товушлар масаласи билан ҳам шуғулланиши лозимлигини кўрсатади» [Соссюр Ф.де.: 68-69].

Кўринадики, Ф.де Соссюрнинг мазкур мулоҳазалари анъанага айланиб қолган фонетика нутқ товушларини, морфология эса сўз формаларини ўрганувчи соҳалар эканлиги ҳақидаги хулосаларимизни қайта кўриб чиқишга ундайди. Олимнинг қуйидаги фикри эса бунинг янада ёрқинроқ далили бўла олади: «Морфология – бу муайян маъно англатувчи қисмларни акс эттирувчи товуш бирликларини ва мазкур бирликларнинг ўзаро боғланишини ўрганувчи фандир. Фонетика эса ўз физиологик ва акустик белгиларига кўра ажралиб турувчи товуш бирликларини ўрганади» [Соссюр Ф.де.: 70]. Энг характерли жиҳати шундаки, Соссюр фонетик бирликларни сўз шакли сатҳида ўрганиш лозимлигини алоҳида таъкидлайди.

Бундай мулоҳазага яқин фикрни В.фон Хумбольдтда ҳам кузатамиз [Гумбольдт В.фон.:10-117]. Олим тил товушлари тавсифини беришда ёки ўрганишда сўз шаклига мурожаат этиш лозимлигига алоҳида урғу беради. Бунинг асосий боиси сўзнинг товуш ҳамда тушунча бирлигидан иборат эканлигидир, албатта. Гумбольдтда шу нарса эътиборга моликки, у тил тараққиётининг дастлабки даврларида товушлар орқали ўзак ҳолатидаги бирликларгина шаклланиши мумкин бўлганлигини эслатиб ўтади ва бунга қадимги санскритда аффикслар иштирокисиз ўзаклар қўлланганлигини далил қилиб кўрсатади [Гумбольдт В.фон.: 90-91].

Юқоридагилардан ташқари, тил бирликларининг синтактик муносабати фақат синтактик сатҳ учун эмас, балки морфологик сатҳ учун ҳам характерлидир. Фикримиз далилини сўз сатҳида мавжуд бўлган тил бирликларининг синтактик алоқасида кўришимиз мумкин. Бу ҳақда мулоҳаза юритганида Г.А.Смирнова сўз сатҳида морфемалар ўртасида ҳам гап бўлаклари доирасида кузатиладиган предикат, атрибут, аниқловчи, аниқланмиш сингари синтактик алоқа турлари мавжуд бўлиши мумкинлигини таъкидлайди [Смирнова Г.А.: 235].

Албатта, сўз таркибидаги тил белгиларининг синтактик алоқасини гап компонентларининг ўзаро муносабати билан тўлиғича муштарак деб бўлмайди. Чунки гап тил белгилари синтагматик ҳамда иерархик муносабатининг юқори поғонасини ташкил этиш учун хизмат қилади [Турниёзов Н.: 7].

Мазкур қоида умумий характерга эга бўлиб, у тилнинг барча сатҳлари бирликларига тааллуқлидир. Дарҳақиқат, маълум бир морфеманинг ёки фонеманинг муайян қийматга эга бўлиши иккинчи бир морфема ёки фонеманинг таъсирида бўлади. Бошқача айтганда, бу жиҳатдан ёндош морфема ва фонемаларнинг кўмаги муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, сўз ва ҳатто гапнинг нутқий аҳамият касб этиши ҳам синтагматик қатордаги ёндош сўз ёки гаплар билан боғлиқдир. Е.И.Аюпованинг тўғри таъкидлашига кўра, тил бирликлари нутқ оқимида бир-бирлари билан шунчаки кесишиб ёки ўзаро боғланибгина қолмасдан, улар бир-бирларининг таъсирида ҳам бўлади. Шу боис тил бирликларининг амалда қўлланилиши жараёнида нафақат иерархик, балки сабаб ва оқибат муносабатини ҳам кузатамиз [Аюпова Е.И.: 55].

Аммо қандай бўлишидан қатъи назар, тил бирликларининг функционал қиймат олиши бир-бири билан боғлиқ ҳолда амалга ошади. Зотан, тил бирликларининг комбинатор муносабати умумсистем аҳамиятга моликдир [Солнцев В.М.: 268].

Тил бирликларининг комбинатор муносабатлари (боғланиши) баъзи жиҳатларига кўра шахмат ўйинида қўлланадиган юриш қоидаларига ўхшаб кетади. Аммо шу нарса равшанки, шахмат ўйинида фигураларни қай тарзда ҳаракатлантириш лозимлигини аввалдан биламиз. Ҳеч бўлмаганда, қандай йўл ёки усул қўллаш лозимлиги ўйин жараёнида аниқ бўлади. Тилда эса, шахмат ўйинидан фарқли равишда, аввалдан ҳеч нарса маълум бўлмайди. Бошқача айтганда, тил бирликларининг қай тарзда комбинатор муносабатга киришуви мумкинлигини олдиндан белгилай олмаймиз [Маковский М.М.: 5]. Бироқ шу нарса характерлики, шахмат ўйинида ҳар қандай ҳаракат янги вазиятни вужудга

келтирганидек, тил бирликларининг ўзаро муносабати ҳам ҳар сафар янги шакл ва маъно шаклланишига олиб келади.

АДАБИЁТЛАР:

1. Аюпова Е.И. Н.В. Крушевский и проблема взаимосвязи языковых уровней// Николай Крушевский: научное наследие и современность. Матер. Междунар. науч. конф. «Бодуновские чтения» (Казань, 11-13 дек. 2001 г.). –Казань: Новое знание, 2002.
2. Вардуль И.Ф. Основы описательной лингвистики (синтаксис и супрасинтаксис). – М., 1977.
3. Гумбольдт В.фон. Избранные труды по языкознанию. –М., 1984.
4. Маковский М.М. Лингвистическая комбинаторика. – М.,1988.
5. Смирнова Г.А. Операторное порождение слов на основе аппликативной грамматики// Проблемы структурной лингвистики –1972. –М., 1973. -С.235.
6. Солнцев В.М. Язык как системно-структурное образование. – М., 1971.
7. Соссюр Ф.де. Заметки по общей лингвистике. –М., 1990.
8. Турниёзов Н.Назарий грамматикадан очерклар. –Самарқанд, 1998.
9. Фридман Л.Г. К исследованию абзаца как синтаксической единицы (на матер. немецкого языка) // Уровни языка и их взаимодействие. –М., 1967.-С. 155-156.
10. Холиков, Б. (2018). Детектив романларда воқеликнинг бадиий талқинини тизимли моделлаштириш (Марио Пьюзонинг «Чўқинтирган ота» («The godfather») ва Тоҳир Маликнинг «Шайтанат» асарлари мисолида). Фалсафа доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган докторлик (PhD) диссертацияси автореферати. Фалсафа доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган докторлик (PhD) диссертацияси автореферати. Фал. фанл. докт.(PhD) дисс.
11. Khayrullaev, K. Z. (2001). The relation of word, word composition and sentence to the predicativeness. Abstract of candidate dissertation.–Tashkent.
12. Хайруллаев, Х. (2002). Предикативлик ҳодисаси ва унинг ифода объектлари.
13. Хайруллаев, Х. (2009). О лингвистической природе уровней языка и речи. Вопросы филологических наук, (2), 78-79.
14. Турниёзов, Н., Турниёзова, К., & Хайруллаев, Х. (2009). Структур синтаксис асослари.
15. Хайруллаев, Х. З. (2001). Сўз, сўз бирикмаси ва гапнинг предикативликка муносабати. Номзод. дис автореферати. Тошкент.
16. Turniyozov, N., Turniyozova, K., & Xayrullayev, X. (2009). Struktur sintaksis asoslari. Samarqand: SamDCHTI.